Очи= калитли криптосистемалар алгоритмлари уларнинг асосини ташкил этувчи бир томонли функциялар билан фар=ланади. Аммо щар =андай бир томонли функция щам очи= калитли криптосистемалар яратиш учун ва улардан амалдаги ахборотлар тизимида махфий ало=а хизматини ырнатиш алгоритмини =уриш учун =улайлик ту\дирмайди.

Бир томонли функцияларни ани=лаш таърифида назарий жищатдан тескариси мавжуд былмаган функциялар эмас, балки берилган функцияга тескари былган функциянинг =ийматларини щисоблаш амалий жищатдан ма=садга мувофи= былмаган функциялар тушунилиши таъкидланган эди. Шунинг учун маълумотнинг ишончли мущофазасини таъминловчи очи= калитли криптосистемаларга мущим былган =уйидаги талаблар =ыйилади:

1. Дастлабки очи= матнни шифрматн кыринишида ытказиш бир томонли жараён ва шифрлаш калити билан шифрматнни очиш – дешифрлаш мумкин эмас, яъни шифрлаш калитини билиш шифрматнни дешифрлаш учун етарли эмас.

2. Очи= калитнинг маълумлигига асосланиб, махфий калитни замонавий фан ва техника юту=лари ёрдамида ани=лаш учун быладиган сарф-харажатлар щамда ва=т ма=садга мувофи= эмас. Бунда, шифрни очиш учун бажарилиши керак быладиган энг кам ми=дордаги амаллар сонини ани=лаш мущимдир.

Очи= калитли шифрлаш алгоритмларидан ахборотлар тизимида маълумотларнинг махфийлигини таъминлашда замонавий ил\ор услуб сифатида фойдаланиб келинмо=да. Очи= калитли криптосистемаларни яратишнинг RSA алгоритми жощон стандарти сифатида =абул =илинган. Бу ща=ида кейинги былимларда алощида тыхталамиз.

Умуман олганда, замонавий очи= калитли криптосистемалар =уйидаги типдаги акслантиришларга (функцияларга) таянади:

1. Катта сонларни туб кыпайтувчиларга ёйиш.
2. Чекли сонли майдонларда логарифмларни щисоблаш.
3. Алгебраик тенгламаларнинг илдизларини щисоблаш.

Шу ерда таъкидлаш лозимки, очи= калитли криптосистемалар алгоритмларидан=уйидаги ма=садларда фойдаланилади:

1. Са=ланувчи ва узатиладиган маълумотларнинг махфийлиги мущофазасини таъминловчи муста=ил восита сифатида.
2. Калитлар та=симотининг мущофазасини таъминловчи восита сифатида. Очи= калитли криптосистемалар алгоритмлари анъанавий криптосистемалар алгоритмларига нисбатан мураккаб былиб, ундан кыпро= калитларни та=симлашда фойдаланилади. Сынгра катта щажмдаги маълумотларни узатишда соддаро= былган системалардан фойдаланилади.
3. Аутентификация, яъни маълумотларнинг ща=и=ийлигини ани=лаш услублари воситаси сифатида. Бу ща=ида «Электрон имзо» былиижа батафсил тыхталамиз.

+уйида нисбатан оммавийлашган очи= калитли криптосистемаларни =ис=а кыриб ытамиз.

Бир томонли функциялар

Ю=орида айтиб ытилгандек, Шенноннинг 1949 йилдаги ма=оласи [5] криптология сощасидаги очи= илмий изланишларнинг кыпайишига олиб келмади. Биринчидан, бу ма=олада келтиирлган «махфий ало=а системаларининг назарий бардошлилик назарияси» мощияти жищатидан атрофлича ва тыла былиб, бундай назарияга кыра махфий ало=а канали быйлаб узатиладиган калитнинг щажми, узатиладиган маълумотнинг щажмини катталишиб бориши билан катталашиб боради. Иккинчидан, Амалий бардошлилик масалаларининг ечимлари ща=идаги илмий натижалар, янги криптосистемалар яратиш йыналишларининг вужудга келишидан кыра, кыпро= мавжуд криптосистемаларнинг такомиллашувига олиб келди. Шундай былсада, Шенноннинг бу назариясидаги «етарли даражадаги (амалий) бардошли криптосистемалар яратиш масаласи, мощияти жищатидан, маълум шартларни =аноатлантирувчи ва ечими сарф-щаражатларни =опламайдиган мураккаб масалага асосланиши керак», деб ифодаланган изощи, станфордлик олимлари У.Диффи ва М.Е.Хеллманларнинг илмий изланишларининг самарали натижаларида ыз аксини топди. Уларнинг 1976 йилда «Криптология янги йыналиш» [6], деб номланган илмий ма=оласининг чоп этилиши, махфий ало=а тизимларида махфий калитини махфий ало=а канали быича узатишга щожат йы= былган амалий бардошли криптосистемалар яратишнинг асосини очиб бердилар. У.Деффи ва М.Е.Хеллманнинг илгари сурган \оялари «бир томонли фунция»нинг Р.М.Нидхэмнинг щисоблаш системаларига киришнинг мущофазаси ща=идаги ишларидан олинган таърифини криптосистемалар учун мослаштирилган ифодасидир.

Бир томонли функция – бу, таъриф быйича, шундай $y = f(x)$ функцияки, бу функциянинг ани=ланиш сощасидан былган ихтиёрий x учун $f(x) = y$ =ийматосон щисобланиб, =ийматлар сощасининг барча y =ийматларига мос келувчи x =ийматларни щисоблаб топишни амалий жищатдан имконияти йы=. Кыриниб турибдики, бир томонли функциянинг бундай таърифи ушбу: «осон щисобланадиган», «барча =ийматлар учун», «амалий жищатдан», «щисоблашнинг имконияти йы=» иборалар асосида берилиб, бу таъриф амалий криптосистема масалалари ну=таи назаридан етарли даражада ани= былиб, алощида олинган криптосистемалар учун такомиллаштирилиб, мутла=о ани= ифодаланишга келтириш мумкин. Шундай функциялардан криптографияда =андай фойдаланиши ща=ида =ис=ача тыхталамиз. Хуфёна (яширин ёки махфий) услубли бир томонли функция, таъриф быйича бирор $z \in Z$ параметрларга бо\ли= былиб, тескарисига эга былган шундай f_z функциялар синфики, берилган z параметрда ани=ланиш сощасидаги барча аргументлар учун =ийматларнинг

осон щисоблаш алгоритми мавжуд былиб, =ийматлар сощасидаги барча $x \in X$ =ийматлар учун $f_z(x) = y$ =ийматларни маълум былган, E_z алгоритм билан щисоблашнинг имконияти йы= (ёки бош=ача айтганда, $f_z^{-1}(y) = x$ =ийматларни щисоблаш сарф=щаражатлари ва ва=ти ма=садга мувофи= эмас). Бундай таъриф математика ну=таи назаридан ани= былмаса-да, амалий криптология масаларидан самарали =ылланилиши мумкинлигига шак-шубща йы=.

Калитларнинг очи= та=симланиш алгоритми ща=ида

У. Диффи ва М. Е. Хеллман бир томонли функция сифатида ушбу

$$f(x) = \alpha^x (\text{mod } p) \qquad (15)$$

p модуль бўйича дискрет даражага кўтариш функциясини таклиф этдилар. Бу ерда: x - бутун сон бўлиб, 1 дан (p-1) гача бўлган =илматларни =абул =илиши мумкин; p-жуда катта бўлган туб сон; α - бутун сон бўлиб, 1 дан *p* гача бўлган =ийматларни =абул =илади ва унинг даражалари $\alpha, \alpha^2, ..., \alpha^{p-1}$ =андайдир тартибда 1, ..., *p*-1 кийматларни =абул =илади. Мисол учун, p=7, α =3 бўлса, α =3, α^2=2, α^3=6, α^4 =4, α^5=5, α^6=1 ифодаларга эга бўламиз. Алгебрада мана шундай α сонини чекли GP(p) майдоннинг содда элементи дейилади ва маълумки, бундай α щар доим мавжуд бўлади. Агарда $y = \alpha(x) = \alpha^x$ бўлса, у щолда табиийки, бу функцияга тескари функция

$$x = f^{-1} = \log y \qquad (16)$$

бўлиб, берилган *y* лар бўйича x =ийматларни топиш дискрет логарифмларни топиш масаласи дейилади. Хаттоки, *p* нинг жуда катта бўлган =ийматларида щам мисол учун p=2^{1000} бўлганда щам, 1000 дан кўп бўлмаган квадратга кўтариш ва кўпайтириш амалларини бажариб, $f(x)$ функцияни осон щисоблаш мумкин.

Агарда дискрет даражага кўтариш функцияси ща=и=атан щам, бир томонли бўлса, у щолда $\log_\alpha y$ ифодани *y* нинг барча, яъни ушбу $1 \le y \le p$ тенгсизликни =аноатлантирувчи, барча =ийматларида щисоблашни амалий жищатдан имконияти йы= бўлиши керак. М.Е.Хеллман ва унинг шогирди Полиг, фа=атгина *p* сони катта туб сон бўлгандагина эмас, балки (p-1) сони катта туб кўпайтувчи q га эга (ёки шу q туб сон 2 га купайтирилган) бўлганда, (15) ифода билан анл=ланган функциянинг *y* =ийматларига кыра $\log_z y$ ифодани щисоблаш амалий жищатдан мураккаб эканлигини кўрсатдилар. У.Диффи ва М.Е.Хеллман махфий ало=а тизимлари фойдаланувчилари учун дискрет логорифмлардан фойдаланиб, махфий

калитларни ўзаро алмашувини алощида махфий каналисиз амалга ошириш алгоритмини яратдилар. Бу алгоритм бўйича:

1. α ва p сонлари щамма фойдаланувчиларга маълум;

2. Щар бир фойдаланувчи, масалан i - фойдаланувчи 1 билан (p-1) сонлари орали\идаги бирор бутун X_i сонини танлаб олади бу сонни махфий тутади;

3. i - фойдаланувчи $Y_i = \alpha^{Xi} (\mathrm{mod}\ p)$ =ийматни щисоблаб, бу Y_i =ийматни махфий тутмай щамма фойдаланувчилар томонидан тасди=ланган ва улар щар доим фойдалана оладиган очи= маълумотлар китобига киритади;

4. Агарда махфий ало=а тизимининг i - фойдаланувчисиз j - фойдаланувчи билан махфий ало=а ўрнатмо=чи бўлса, i- фойдаланувчи очи= маълумотлар китобидан Y_j ни олиб, ўзининг махфий калити X ёрдамида

$$Z_{ij} = (Y_j)^{Xi} = (\alpha^{Xj})^{Xi} = \alpha^{Xi\,Xj} (\mathrm{mod}\ p)$$

=ийматини щисоблайди.

5. Худди шу каби j-фойдаланувчи щам $Z_{ij} = Z_{ji}$ ни щисоблайди. Бунда $Z_{ij} = Z_{ji}$ бўлиб, i ва j фойдаланувчилар ўзларининг махфий ало=асини таъминловчи криптоситемасида Z_{ij} =ииматни махфий калит сифатида ишлатишлари мумкин. Агарда ра=иб томон дискрет логорифмларнинг щисоблаш масаласини еча олса эди, очи= маълумотлар китобидан Y_i ва Y_j. ларни олиб, X = $logY_i$ ва X= log Y_i кийматларни щисоблаб, махфий калитга эга бўлган бўлар эди (i ва j - фойдаланувчилар каби).

Шу ерда таъкидлаб ытиш жоизки, очи= маълумотлар китоби ахборотларнинг махфий ало=а тизими фойдаланувчиларигагина очи=.

Ю=орида келтирилтан алгоритмдан кыриниб турибдики, щали бу нарса назарий жищатдан тыла исботлалган былмаса-да, ра=иб томон Z_{ij} =ийматни бош=а бирор услуб билан щисоблай олмайди. Келтирилган алгоритм Диффи ва Хеллманнинг калитларни очи=, та=симлаш системаси дейилади. Бу махфий ало=а тизимида махфий калитларни махфий канал билан узатишни щожати йы=лигини таъминловчи биринчи система былиб, бугунги кунда щам энг бардошли ва =улай былган очи= калитли бош=а криптосистемаларнинг асосини ташкил этади.

Диффи ва Хеллманнинг калитларни очи= та=симлаш системаси очи= калитли бош=а криптосистемалар каби махфий калитли махфий канал ор=али узатилишининг щожати йы=лигини таъминлайди, аммо аутентификация масаласини ечмайди.

Махфий ало=а тизимида очи= маълумотлар китобини са=ловчи, махфий былмаган Y_i ни очи= маълумотлар китобига i фойдаланувчининг фа=ат ызи томонидангина киритилганига ишонч щосил =илиши керак, i фойдаланувчи

эса, ыз навбатида, Y_j ни фа=ат очи= маълумотлартлар китобини са=ловчи томонидан берилганига инюнч щосил =илиши керак.

Очи= калитли RSA криптосистемаси

Диффи ва Хеллман махфий услубли бир томонли функциянинг ани=ланишига асосланиб, махфий ало=а тизими фойдаланувчилари учун, ызларининг очи= калитли криптосистема структурасини (тузилишини) таклиф этдилар. Щар бир i фойдаланувчи бирор Z_i бутун сонни (даража кырсаткичини) танлайди ва уни махфий са=лайди. Сынгра бу Z_i асосида E_{zi} алгоритм тузиб очи= маълумотлар китобига бу алгоритмни жойлаштиради. Бундан таш=ари Z_i асосида махфий са=ланадиган D_{zi} алгоритмни щам тузади ва уни сир тутади. Агарда j - фойдаланувчи i - фойдаланувчига X махфий маълумотни узатмо=чи былса, у щолда j - фойдаланувчи очи= маълумотлар китобидан E_{zi} алгоритмни олиб, $Y = f_{Zi}(x), \quad x \in X$ услуб билан криптограммани тузиб (щосил килиб), i – фойдаланувчига жынатади. Махфий маълумотни криптограмма кырынишида =абул =илиб олган i - фойдаланувчи ызининг махфий алгоритмидан фойдаланиб $f_{Zi}^{-1}(Y) = X$ услуб билан очи= матнни щосил =илади. Агарда f_Z , ща=и=атан щам, махфий услубли бир томонли функция былса, у щолда бу функция асосида =урилган алгоритм, шак-шубщасиз, амалий бардошлиликни таъминлайди. Диффи ва Хеллман, агарда бир томонли f_Z функциянинг ани=ланиш сощадаги даражада кырсаткичининг барча $z \in Z$ =ийматлари тыплами билан айнан шу функциянинг =ийматлари тыплами устма-уст тушса, яъни f_Z функциянинг ани=ланиш сощаси билан =ийматлар сощаси бир хил тыпламни ташкил этса, бундай бир томонли функция асосида ра=амли имло мумкин дейди. Агарда (i - фойдаланувчи ало=а тизими быйича махфий былмаган маълумотни барча фойдаланувчиларга етказиб, бу махфий былмаган маълумотни жынатувчини маълумотни =абул килиб олувчилар томонидан бещато ани=лашлари учун ызининг махфий алгоритми $Y = f_{Zi}^{-1}(X)$ асосида ра=амли имзо =ыяди. Щар бир фойдаланувчи очи= алгоритм E_{zi} ни билган щолда $f_{Zi}^{-1}(Y) = X$ ни олади, лекин i - фойдаланувчидан бош=а фойдаланувчи X маълумотни $Y = f_{Zi}^{-1}(X)$ криптограмма кырынишидаги ра=амли имзо ифодасига ытказа олмайди, чунки фа=ат i - фойдаланувчининг ызигина очи= алгоритм асосланган f_{Zi} функцияга тескари былиб, махфий алгоритм асосини ташкил этувчи f_{Zi}^{-1} ни щисоблай олади. Ыз-ызидан

тушунарлики, агарда i – фойдаланувчи i - фойдаланувчига махфий маълумотни щам ра=амли имзо билан жынатиш мумкин. Бунинг учун, i – фойдаланувчи j – фойдаланувчининг f_{Zi} функцияга асосланган очи= алгоритми (очи= шифрлаш калити) E_{Zi} дан фойдаланиб, жынатилиши керак былган маълумотни шифрлайди. Бу шифрланган маълумотларни =абул =илиб олган j - фойдаланувчи ызининг f_{Zi}^{-1} функцияга асосланган махфий D_{Zi} дешифрлаш алторитми билаи очади.

1976 йилда Диффи ва Хеллман ызларининг "Криптологияда янги йыналиш" [6] илмий ишларида бир томонли функция сифатида (15) ифода билан ани=ланган дискрет даражага кытариш функциясини таклиф =илиб, (16) ифодадаги дискрет логарифмни щисоблашнинг амалий жищатдан мураккаблигига асосланган эдилар. 1978 йилда эса, Массачусетс технология институтининг олимлари: Р.Л.Ривест, А.Шамир, Л.Адлман ызларининг илмий ма=оласида биринчи былиб махфий услубли ва ща\и\атан щам, бир томонли былган функцияни таклиф этдилар. Бу ма=ола "Ра=амли имзоларни =уриш услублари ва очи= калитли криптосистемалар" деб аталиб, кыпро= аутентификация масалаларига =аратилган. Щозирги кунда, бу ю=орида номлари келтирилган олимлар таклиф этган функцияни шу олимларнинг шарафига RSA бир томонли функцияси дейилади. Бу функция мураккаб былмай, унинг ани=ланиши учун элементар сонлар назариясидан баъзи маълумотлар керак буыади.

Мусбат бутун былган I ва n сонларининг энг катта умумий былувчисини ЭКУБ (I, n) деб белгилаймиз. Мисол учун: ЭКУБ(12, 18)=6, ЭКУБ(9, 27)=9. Щар кандай мусбат бутун сон учун Эйлер функцияси $\varphi(n),\ n$ дан катта былмаган ЭКУБ(I, n)=1 шартни =аноатлантирувчи барча i сонларининг сано\ини билдиради. Мисол учун: $\varphi(2)=1,\ \varphi(3)=2,\ \varphi(4)=2,\ \varphi(5)=4,\ \varphi(6)=2$ ва хоказо. Ихтиёрий туб сон p учун $\varphi(1)=p-1$, щамда $\varphi(1)=1$ деб =абул =илинган. Бундан таш=ари, ихтиёрий p ва q туб сонлари учун ушбу

$$\varphi(p\ q)=(p-1)(q-1) \qquad (19)$$

ифода ырinли былади. Мисол учун $\varphi(6)=\varphi(2x3)=1\cdot 2=2$.

Буюк математик олим Эйлер(1707-1783) теоремасига кыра ихтиёрий мусбат бутун x ва n (0<x<n) сонлари учун ЭКУБ(x, n)=1 шартини =аноатлантирувчи $x^{\varphi(n)}=1(\mathrm{mod}\ n)$ тенглик бажарилади. Мисол учун:

$$\text{ЭКУБ}(5,6)=1 \text{ ва } 5^2=1(\mathrm{mod}\ n) \qquad (20)$$

Сонлар назарияси курсидан маълумки: агарда, e ва m бутун сонлар 0<e<m ва ЭКУБ(m, e)=1 шартларни =аноатлантирса, у щолда 0<d<m тенгсизликни ва

$$de=1(\mathrm{mod}\ n) \qquad (21)$$

тенгликни =аноатлантирувчи ягона d бутун сон мавжуд былиб, ЭКУБ(m, e)ни топишнинг "кенгайтирилган" Эвклид алгоритмидан фойдаланиб d ни топиш мумкин.

Ю=орида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, махфий услубли RSA бир томонли функциясини анни=ланишини кыриб чи=амиз. Бу функция бирор n сони модули быйича дискрет даражага кытариш функцияси, яъни

$$f_Z(x)=x^e(\mathrm{mod}\ n) \qquad (22)$$

кырнишида ани=ланади. Бу ерда: x- мусбат бутун сон былиб, n=pq сондан катта эмас; n=pq, яьни p ва q туб сонлари учун $\varphi(n)=(p-1)(q-1)$; бутун e сони $\varphi(n)$ дан кичик ва ЭКУБ$(e, \varphi(n))=1$. Шифрлашнинг E_z очи= алгоритмини асосини ташкил этувчи $y=f_Z(x)$ функция =ийматларини (22) ифода билан щисоблашни осонгина квадратга кытариш ва кыпайтириш амалларига келтириш мумкин. E_z алгоритмни очи= калитлар китобига киритиш, n ва e сонларини фойдаланувчилар учун очи= эълон =илиш демакдир ва бунда n сонининг кыпайтувчилари былган p ва q туб сонлари махфий тутилади. Тескари функция =уйидаги

$$f_{Zi}^{-1}(y)=y^d(\mathrm{mod}\ n) \qquad (23)$$

кырнишда былиб, бу ерда q сони n сонидан кичик ва ушбу

$$de=1(\mathrm{mod}\ n) \qquad (24)$$

тенгликни =аноатлантиради.

p, q, e - сонларидан иборат { p, q, e }=z параметрлар тыплами (22) тенглик билан ани=ланган бир томонли функциянинг криптографик махфийлик услуби хоссасининг асосини ташкил этади. Махфий D_z дешифрлаш алгоритиминининг асосини ташкил этувчи тескари f_{Zi}^{-1} функциянинг =ийматларини щисоблаш щам квадратга кытариш ва кыпайтириш амаллари ор=али амалга оширилади ва бунда даража кырсаткичи былган d сони ЭКУБ$(e, \varphi(n))$ ни щисоблашнинг Эвклид алгоритми быйича ани=ланади. Ю=орида (23) ифода билан ани=ланган функциянинг (22) ифода билан ани=ланган функцияга ща=и=атан щам,

тескари функция эканлиги =уйидагича кырсатилади. Бутун сонлар арифметикасидан маълумки, бирор бутун Q сонида

$$de = 1(\mathrm{mod}\ (n)) = \varphi(n) \cdot Q + 1 \qquad \textbf{(25)}$$

тенглик ыринли билади. Ю=оридаги (22) ва (25) тенгликларга ва Эйлер теоремасидаги (22) ифодага кыра

$$f_{Zi}^{-1}(y)^d \bmod(n) = (x^e)^d (\mathrm{mod}\, n) = {}^{\varphi(n)Q+1} \bmod n = x^{\varphi(n)Q} x(\mathrm{mod}\, n) = x(\mathrm{mod}\ n) \ \textbf{(26)}$$

тенгликка эга быламиз. Демак, (24) тенгликни =аноатлантирувчи d ва e сонлари учун: бирор x<n сонларнинг n модул быйича d даражага кытариш амали шу x сонларни худди шу n модул быйича e даражага кытариш амалига тескари экан. Энди нима учун Ривест, Шамир ва Адлман ю=орида (22) ифода билан ани=ланган $f_z(x)$ функцияни n ва e сонларини билган щолда, унга тескари $f_z^{-1}(x)$ функцияни щисоблаш мумкин эмаслигини таъкидлаганликларини кыриб чи=амиз. Бундан таш=ари p ва q туб сонларини кандай =илиб танланганда, ра=иб томоннинг бу сонларни била олмаслигини щам кыриб чи=амиз.

Ра=иб томонга n ва e сонлари маълум былсин. Агарда ра=иб томон n сонини туб былган p ва q сонларининг кыпайтмасидан иборат, яьни n=pq кырынишида ифодалай олса, у щолда махфийлик параметри z={ p, q, e }ни тыла ани=ланган щолда, маълумотлар криптограммасини, маълумотни, ха=и=атан щам, олиши керак былган фойдаланувчи каби =ийинчиликсиз дешифрлаш имкониятига эга билади. Шунинг учун RSA криптосистемасининг бардошлилик даражаси n сонини туб былган p ва q сонларининг кыпайтмасига ёйишнинг =ийинлик даражасига эквивалентдир, яъни тенг кучлидир. Агарда p ва q сонларининг узунлиги 100 дан орти= ынли ра=амдан иборат былса, щозирги замонавий щисоблаш техникаларидан фойдаланилганда, n сонини туб кыпайтувчиларга ажратиш учун сарфланадиган ва=т етарли даражада кып былиб, бундай туб кыпайтувчиларга ажратиш билан шу\улланишининг амалий жищатдан ма=садга мувофи= эмаслиги келиб чи=ади.

Ю=оридаги мулощазалардан табиий равишда "етарли даражада катта былган p ва q туб сонларини =андай ани=лаш мумкин?", деган савол ту\илади. Бундай саволга жавоб топиш учун Чебышев теоремасига мурожаат =иламиз: бирор бутун m сонидан кичик былган барча бутун сонлар тыпламидан танлаб олинган бирор сонни, туб сон былиш эщтимоллиги $(\ln m)^{-1}$ =ийматга я=ин. Мисол учун 10^{100} дан кичик былган барча мусбат бутун сонлар тыпламидан танлаб олинган бирор сонни туб сон былиш эщтимоллиги $(\ln\ 10^{100})^{-1} = \dfrac{2}{100 \ln 10} \approx \dfrac{1}{230}$ =ийматга эга. Бу эщтимоллик =иймати икки баробар кыпаяди, агарда бу танлаб олиш фа=ат 10^{100}дан кичик былган барча

бутун мусбат то= сонлар тыпламида амалга оширилаётган былса. То= сонлардан туб сонларни фар=лаш Ферма теоремасига асосланади: бирор р туб сонидан катта былмаган бутун мусбат сон учун

$$b^{p-1} = 1 \,(\mathrm{mod}\ (p)) \qquad (27)$$

тенглик ырынлидир.

Мисол учун, 2^4=1(mod 5) ёки 3^4=1 (mod 5). Бу келтирилган (27) муносабат (20) муносабатниинг хусусий щолидир. Агарда r сонининг туб ёки туб эмаслигини текширмо=чи былсак, шу r сонидан кичик былган бутун мусбат b сонини олиб

$$b^{r-1} = 1 \,(\mathrm{mod}\ (r)) \qquad (28)$$

тенглик бажарилишини текшириш кифоя:

-тенглик бажарилса r туб сон былиши мумкин, чунки (27) ёки (28) муносабат р нинг ёки r сонининг туб былишини зарурий шарти;

-тенглик бажарилмаса r туб сон эмас.

Шундай =илиб, агарда (28) муносабат ырынли былмаса, катьий щолда r сони туб эмас, деб айта оламиз. Аммо, (28) муносабат ырынли былса, фа=ат r сони туб былиши мумкин, лекин =атъий щолда r туб сон, деб тасди=лай олмаймиз.

Шунинг учун, r сони етарли даражада катта былиб, тасодифий олинган мумкин =адар кып бутун мусбат b(1<b<r) сонлари учун (28) муносабат бажарилса, r сонининг туб эканлигига шунчалик кып даражада ишонч щосил =илиш мумкин. Агарда b нинг юзта =ийматида (28) муносабат ырынли былса, у щолда r сонининг туб былмаслмгм щодисасининг эщтимоли =иймати

$$\frac{1}{2^{100}} = 2^{-100}$$

Ю=орида келтирилган алгоритмдан бугунги кунда щам бирор r сонининг тублигини ани=лашда фойдаланиб келинмо=да.

Щар =андай очи= калитли криптосистеманинт бардошлилиги очи= матнга ёки унинг бирор =исмига мос келувчи криптограмма маълум былганда, яъни шифрлаш алгоритми E_z маълум былганда, тыла шифр матнни (криптограммани) дешифрлаш имконияти =анчалик мураккаблиги билан бащоланади

Очи= калитли криптосистемалар ща=ида изощ

Ю=орида кыриб ытилган Диффи ва Хеллманнннг бир томонли функцияси щамда RSA бир томонли функцияси етарли даражада очи= калитли криптосистемаларнинг хоссаларини очиб беради. Бу бир томонли функциялардан таш=ари щам кыплаб бир томонли функциялар криптология сощасидаги илмий нашрларда эълон =илинган. Уларнинг баъзилари етарли даражада криптосистемлар талабларига жавоб бермаган. Шуни таъкидлаймизки, щозиргача очи= нашрётда щеч ким томонидан ща=и=атан щам бир томонли былган ёки махфий услубли бир томонли былган функция эълон =илинган эмас.

Таянч иборалар

Очи= калит, бир томонли функция, Эйлер функцияси, Эвклид алгоритми.

Назорат саволлари

1. Очи= калитли криптосистемалранинг мощияти.
2. Бир томонли функциялар тушунчаси.
3. Очи= калитли криптосистеманинг акслантириш типлари.
4. Диффи – Хеллман алгоритми

Асосий адабиёт

1. Анохин М.И., Варнавский Н.П., Сидельников В.М., Ященко В.В. Криптография в банковском деле. М. 1997г.
2. Брюс Шнайер. Прикладная криптография: 2– е издание. М. 2001.
3. Фомичев В.М. Дискретная математика и криптология. М. «Диалог МИФИ» 2003 г. http: ‖ www.library.mephi.ru – Библиотека МИФИ.
4. Романец Ю.В., Тимофеев П.А., Шаньгин В.Ф. Защита информации в компьютерных системах и сетях. М. «Радио и связь» 2001г.
5. Московский центр непрерывного математического образования. Материалы 1 – 9 олимпиад по криптографии. М. 2001 – 2003гг. http: ‖ www. ibc.ry./- электронная библиотека Московского Государственного Университета экономики, статистики и информатики.
6. В.А.Хорошко, А.А.Чекатков. Методы и средства защиты информации. Издательство «ЮНИОР» К. 2003.

Кушимча адабиёт

1. Анин Б. Защита компьютерной информации. Санкт – Петербург, 2002.
2. Завгородный В.И. Комплексная защита информации в компьютерных системах., М. «Логас», 2001.

3. А.В.Домашев, М.М.Грунтович, В.О.Попов, Д.И.Правиков, А.Ю.Щербаков, И.В.Ппокофьев. Программирование алгоритмов защиты информации. Учебное пособие. Издательство «Нолидж». М. 2002.

Маъруза 7

Криптосистема калитларини фойдаланувчиларга та=симлашнинг тартиб ва =оидалари (протоколи)

1. RSA алгоритми быйича калитларни та=симлаш протоколига изощлар.
2. Гаммалаштириш.
3. Эль Гамаль криптосистемаси.
4. Эллиптик тенгламалар асосида криптосистемалар.

Махфий услубли бир томонли функцияга асосланган очи= калитли криптосистемалар ыз мощиятига кыра ундан фойдаланишнинг алощида тартиб ва =оидаларини (протоколини) талаб этади. Бу алощида тартиб ва =оидаларга кыра системанинг фойдаланувчилари ва система фойдаланувчиларигагина очи= былган очи= маълумотлар китобини са=ловчиси биргаликда шу криптосистема тизимида узатиладиган маълумотларнинг махфийлигини таъминлайдилар.

Очи=, калитли криптосистемаларнинг бардошлилигига тыла ишонч билдирмай ишончсизлик ва иккиланиш билан =арайдиган баъзи криптолог мутахассислар, фойдаланувчиларга мущофазаланган услубда очи=, калитларни та=симлаш ва махфий калитларни узатиш масалаларини, яъни калитлар билан бо\ли= жараёнларни ма=садли бош=аришни криптографиянинг бош амалий масаласи, деб биладилар. Мисол учун, агарда криптосистема фойдаланувчиларининг сони S та былса ва щар бир мумкин былган ало=а жуфтлари учун алощида махфий калит талаб этилса, уларнинг сони $c_S^2 = s(s-1)/2$ былиб, фойдаланувчилар сони кып былган системалар учун бундай щолат баъзида ма=садга мувофи= былмаслиги мумкин. Бирор фойдаланувчининг бош=а барча фойдаланувчиларга махфий былган маълумотни юбориши махфий ало=а мощиятига зид жараён. Бундан таш=ари махфий ало=а тизимида =айси фойдаланувчининг бош=а =айси бир фойдаланувчи билан махфий ало=а =илишни щощлаши олдиндан маълум

эмас. Мана шундай щолатлар фойдаланувчиларга калитларни та=симлаш тартиб ва =оидалари масалаларини келтириб чи=аради. Бундай масалаларнинг ечилиши эса ахборотлар тизимида маълумотларнинг махфийлиги мущофазасини таъминловчи критисистемада калитлар та=симотининг ишончли марказини (КТИМ) ташкил этишни та=азо этади. Калитларни та=симлаш тартиб ва =оидалари (протоколи) =уйидагича:

1. КТИМ мущофазаланган ало=а тармо\и ор=али барча i=1,2,...,S фойдаланувчиларга махфий Z_i калитларни та=дим этади.

2. Фойдаланувчи i-фойдаланувчи j билан махфий ало=а ырнатмо=чи былса, у умумий ало=а тармо\и ор=али (очи= текст билан былиши мумкин) КТИМга мурожаат =илиб, фойдаланувчи j - билан махфий ало=а =илиш калитини сырайди.

3. КТИМ махфий ало=а учун очи= матннинг бирор =исмини ташкил этувчи Z_{ij} махфий калитни танлаб олади. +олган =исмини i ва j фойдаланувчилар кысатилган "бош =исм" ("заголовка") ёки "номланиш =исми" деб аталувчи былак ташкил этади. КТИМ бу очи= матнни криптосистемада =абул =илинган шифрлаш алгоритмига кыра Z_i ва Z_j калитлар билан шифрлаб, умумий ало=а тармо\и ор=али Z_i калит билан шифрланган криптограммани j фойдаланувчига ва Z_j калит билан шифрланган криптограммани j фойдаланувчига жынатади.

4. Олинган криптограммаларни i ва j фойдаланувчилар дешифрлаб, кейинги олинган маълумотларни дешифрлашнинг махфий калитига эга быладилар.

Калитларни та=симлашнинг бундай тартиб ва =оидаси (протоколи) оддий былиб, унинг бардошлилиги шифрлаш алгоритмининг бардошлилиги билан белгиланади. Ща=и=атан щам, 3-бандда (=адамда) келтирилганидек, криптоаналитикка щар хил калитлар билан шифрланган бир хил очи= текстнинг криптограммаси маълум былиб, бундай щолат унга криптотащлил =илишда =ыл келади. Шундай =илиб, очи= текст шифрлаш алгоритми криптотащлилга бардошли былса, калитларни та=симлаш протоколи щам бардошли былади. Бу ерда шуни щам унутмаслик керакки, калитларни та=симлашда шифрлаш алгоритмидан фойдаланиш шу та=симлаш тартиб ва =оидаларини бузилишига, криптобардошсизликка ва шу каби номутоносибликларга олиб келмаслиги керак.

RSA алгоритми быйича калитларни та=симлаш протоколига хулосавий изощлар

Банклар тизимида =айси шахс =айси шахс билан ызаро тылов амаллари бажарганлигини банк билмаслигини таъминловчи RSA бир томонли функциясига асосланган тартиб ва =оидаларни бош=ариш криптосистемаси мавжуд. Бу криптосистемани калитларни та=симлаш тартиб ва =оидаларини бош=ариш криптосиетемаси учун щам =ыллаш мумкин. Тартиб ва =оидаларни бош=ариш масалалари, криптосистемаларига доир криптологик илмий изланишлар щозирда замонавий, бардошли криптографик системаларни

яратишда кенг ва жадал ривожланиб бормо=да. Бу сощада RSA бир томонли функциясидан фойдаланишнинг =улайлиги ызини щар томонлама о=лаб келмо=да.

RSA алгоритмини =ылланишига доир кичик бир мисол келтирамиз.

Мисол: Учта харфдан иборат былган "САВ" маълумотини шифрлаймиз.

Биз =улайлик учун кичик туб сонлардан фойдаланамиз. Амалда эса мумкин =адар катта туб сонлар билан иш кырилади.

1. Туб былган p=3 ва q=11 сонларини танлаб оламиз.

2. Ушбу n=pq=3*11=33 сонини ани=лаймиз.

3. Сунгра, $\varphi(33)=(p-1)(q-1)=2\cdot 10=20$ сонини топамиз, щамда бу сон билан 1 дан фар=ли бирор умумий былувчига эга былмаган d сонини, мисол учун d=3 сонини оламиз.

3. Ю=орида келтирилган (24) шартни =аноатлантирувчи e сонини 3e=1 (mod 20) тенгликдан топамиз. Бу сон e=7.

4. Шифрланиши керак былган "САВ" маълумотини ташкил этувчи харфларни: $A\to 1,\ B\to 2,\ C\to 3$ мосликлар билан сонли кыринишга ытказиб олиб, бу маълумотни мусбат бутун сонларнинг кетма-кетлигидан иборат деб =араймиз. У щолда маълумот (3,1,2) кыринишда былади ва уни {e;n}={7;33} очи= калит билан бир томонли функция билан шифрлаймиз:

x=3 да ШМ1=(3^7)(mod 33)=2187(mod 33)=9,
x=1 да ШМ2=(1^7)(mod 33)=1,
x=2 да ШМ 3=(2^7)(mod 33)=128(mod 33)=29

5.Бу олинган шифрланган (9,1,29) маълумотни махфий {d;n}={3;33} калит билан $f_z^{-1}(x)=x^7(\mathrm{mod}\,33)$ ифода ор=али дешифрлаймиз:

y=9да ОМ1 = (9^3) (mod33)= 729(mod33)=3,
y=1 да ОМ2=(1^3) (mod33) = 1(mod33)=1,
y=29 да ОМ3=(29^3)(mod33)=24389(mod33)=2.

Шундай =илиб, критосистемаларда RSA алгоритмининг =ылланиши =уйидагича: щар бир фойдаланувчи иккита етарли даражада катта былмаган p ва q туб сонларни танлайдилар ва ю=орида келтирилган алгоритм быйича d ва e туб сонларини щам танлаб олади. Бунда n=pq былиб, {e;n} очи= калитни {d;n}эса махфий калитни ташкил этади. Очи= калит очи= маълумотлар китобига кириталади. Очи= калит билан шифрланган шифрматнни шу калит билан дешифрлаш имконияти йы= былиб, дешифрлашнинг махфий калити фа=ат шифр маълумотининг ща=и=ий эгасигагина маълум.

Гаммалаштириш

Гаммалаштириш амалда кып =ылланиладиган криптографик акслантириш былиб, ю=орида кыриб ытилган Вижинер ва чексиз калитли шифрлаш услублари кабидир.

Гаммалаштириш билан шифрлаш услубининг мощияти очи= матнга (ёки шифрматнга) шу матн алфавит белгиларидан тузилган псевдотасодифий деб аталувчи матндан ажратиб олиб ташлаш мумкин былган кетма - кетликни, яъни гаммани =ышишдан (=ориштиришдан) иборат. Мисол учун 2 модул быйича =ышишдан фойдаланиш мумкин:

Очи= матн:	0110011100100011…
Гамма:	1110110010110101…
Гаммалаштирилган матн:	1000101110010110…
Гамма:	1110110010110101…
Очи= матн:	0110011100100011…

Бу мисолдан кыринадики, дешифрлаш учун калит быйича (яъни гамма быйича) шифрматнни 2 модул быйича =ышишдан фойдаланиб =айта гаммалаштириш кифоя.

Агарда гаммашифр =айтарилувчи даврга эга былган битлардан иборат былмаса, олинган шифрматнни очиш етарли даражада =ийин былади. Шунинг учун гаммашифр битлари тасодифий ызгариши керак. Амалда гамманинг даври бутун шифрматн узунлигидан катта былиб, очи=матннинг щеч бир =исми маълум былмаса, бундай шифрматнга мос келувчи очи= пакетни топиш ыта мушкул иш. Бундий щолларда шифрни фа=ат шифркалитни таваккалига танлаш билан очилади.

Агарда ра=иб томонга очи= матннинг бирор =исми ва унга мос келувчи шифрматн маълум былиб =олса, у щолда шифрташнинг гаммалаштириш услуби ыз кучини йы=отали. Чунки бундай щолда ра=иб томон очи= матнни маълум былган =исми мазмунига кыра бутун шифрматнни очишга щаракат =илади. Мисол учун, кыплаб махфий щужжатлар «Мутла=о махфий» ёки бош=а шу каби сызлар билан бошланиб, криптоаналитик учун тащлил йыналишини ани=лашга ёрдам беради. Бундай щолатларни ахборот тизими мущофазаси криптосистемасининг амалдаги =ылланишларида албатта щисобга олиш керак.

Эль - Гамаля криптосистемаси

Эль - Гамаля системаси RSA системасига му=обил (алтернатив) былиб, бу криптосистемаларнинг калитларининг ылчов узунликлари тенг былганда бир - хил криптобардошлиликга эга быладилар.

Эль - Гамаля криптосистемаси Диффи-Хеллман алгоритмига ыхшаш былиб, дискрет логарифмларни щисоблаш масаласи ечимининг мураккаблигига асосланган. Бу криптосистема асосини туб былган p ва бутун былган g сонлари ташкил этади. +уйида ушбу системанинг мощиятини очиб берувчи мисолни келтирамиз.

Бирор фойдаланувчи (А) махфий калит *a* сонини танлаб олади ва $y = g^a (\mathrm{mod}\, p)$ былган очи= калитни щисоблайди. Агарда мана шу фойдаланувчи (А) билан бирор бош=а фойдаланувчи (Б) махфий маълумотни жынатмо=чи былса, у щолда (Б) *p* сонидан кичик былган бирор криптосистема сонини танлаб олиб

$$y_1 = g^k \bmod p \quad \text{ва} \quad y_2 = m \otimes y^k$$

сонларини щисоблайди, бу ерда $\otimes$ белгиси 2 модул быйича битларни =ышиш амалини билдиради, яъни m ва y^k сонлари иккилик сано= системасида, деб тушинилади. Сынгра (Б) ($y_1 > y_2$) маълумотларини (А)га жынатади. Ыз навбатида (А) бу шифрлангаи маълумотни =абул =илиб, =уйидаги

$$(y_1^a \bmod p) \otimes y_2 = m$$

былган щисоблаш билан маълумотнинг очи= матнини тиклайди.

Эллиптик тенгламалар асосида криптосистемалар

+уйида

$$y^2 = x^3 + ax + b$$

тенгламани =аноатлантирувчи барча (x,y) текислик ну=таларининг геометрик ырни эллиптик эгри чизи=ни ташкил этади. Эгри чизи= ну=таларини =ышиш амали, RSA ва Элг-Гамаля системаларидаги кыпайтириш амали каби, =ийиичиликсиз ани=ланади.
Кыплаб маълум былган криптосистемаларда

$$y^2 = x^3 + ax + b \bmod p$$

бу ерда p - туб сон кырынишдаги эллиптик тенглама асос =илиб олинади.

Эллиптик эгри чизи=ларда дискрет логарифмлаш масаласининг мощияти =уйидагича, эллиптик эгри чизи=да берилган $G = (x_G, y_G)$ ва $Д = (x_Д, y_Д)$ ну=талар учун $Д = \varphi G$, яъни $(x_Д; y_Д) = \varphi (x_C; y_C)$ тенгликнт =аноатлантирувчи ягона φ ни топишдан иборат.

Таянч иборалар

Протокол, криптосистемада калитлар та=симотининг ишончли ркази, RSA алгоритми, гаммалаштириш, Эль – Гамаль криптосистемаси, Эллиптик тенглама.

Назорат саволлари

1. RSA алгоритмининг =ыллашини изощланг.
2. Гаммалаштириш билан шифрлашни мощиятини нимада?
3. Эль – Гамаль криптосистемаси билан RSA криптосистемасининг му=обиллиги нимада?

Асосий адабиёт

1. Анохин М.И., Варнавский Н.П., Сидельников В.М., Ященко В.В. Криптография в банковском деле. М. 1997г.
2. Брюс Шнайер. Прикладная криптография: 2– е издание. М. 2001.
3. Фомичев В.М. Дискретная математика и криптология. М. «Диалог МИФИ» 2003 г. http: ‖ www.library.mephi.ru – Библиотека МИФИ.
4. Романец Ю.В., Тимофеев П.А., Шаньгин В.Ф. Защита информации в компьютерных системах и сетях. М. «Радио и связь» 2001г.
5. Московский центр непрерывного математического образования. Материалы 1 – 9 олимпиад по криптографии. М. 2001 – 2003гг. http: ‖ www. ibc.ry./- электронная библиотека Московского Государственного Университета экономики, статистики и информатики.
6. В.А.Хорошко, А.А.Чекатков. Методы и средства защиты информации. Издательство «ЮНИОР» К. 2003.

Кушимча адабиёт

1. Анин Б. Защита компьютерной информации. Санкт – Петербург, 2002.
2. Завгородный В.И. Комплексная защита информации в компьютерных системах., М. «Логас», 2001.
3. А.В.Домашев, М.М.Грунтович, В.О.Попов, Д.И.Правиков, А.Ю.Щербаков, И.В.Ппокофьев. Программирование алгоритмов защиты информации. Учебное пособие. Издательство «Нолидж». М. 2002.

Маъруза 8

Электрон имзо

1. RSA алгоритми асосида электрон имзо.
2. Калитлар билан бош=ариш.
3. Катта щажмдаги маълумотларни шифрлаш.
4. Криптографик услубларнинг амалдаги =ылланишлари ща=ида.

+абул =илиб олинган маълумотларни ща=и=ийлигини ёки ща=и=ий эмаслигини ани=лаш масаласини, яъни маълумотларни аутентификацияси масаласининг мощияти ха=ида тыхталамиз.

Щар =андай ёзма хат ёки щужжатнинг охирида шу щужжатни бажарувчиси ёки бажарилиши учун жавобгар былган шахснинг имзоси былиши табиий щолдир. Бундай щолат одатда =уйида иккита ма=саддан келиб чи=илди. Биринчидан, маълумотни олган томон ызида бор былган имзо намунасига олинган маълумотдага имзони солиштирган щолда шу маълумотнинг ща=и=ийлигига ишонч щосил =илади. Иккинчидан, шахсий имзо маълумот щужжатига юридик жищатдан авторликни кафолатлайди. Бундай кафолат эса савдо-соти=, ишончнома, мажбурият ва шу каби битмларда алощида мущимдир.

Щужжатлардаги =ыйилган шахсий имзоларни сохталаштириш нисбатан мураккаб былиб, шахсий имзоларниинг авторларини щозирги замонавий ил\ор криминалистика услубларидан фойдаланиш билан ани=лаш мумкин. Аммо электрон имзо хусусиятлари бундан фар=ли былиб, иккилик сано= системаси хусусиятлари билан белгиланадиган хотира регистрлари битларига бо\ли=. Хотира битларининг маълум бир кетма -кетлигидан иборат былган электрон имзони кычириб бирор жойга =ышиш ёки ызгартириш

компьютерлар бо\лами системаси асосидаги ало=а тизимларида мураккаблик ту\дирмайди.

Бугунги ю=ори даражада ривожланган бутун дунё цивилизациясида щужжатларни, жумладан, махфий щужжатларни щам, электрон кыринишда ишлатилиши ва ало=а тизимларида узатилиши кенг тармо=ли =ылланилиб борилаётганлиги, электрон щужжатлар ва электрон имзоларнинг ща=и=ийлигни ани=лаш масалаларининг мущимлигини келтириб чи=армо=да.

Очи= калитли криптографик системалар былимида таъкидлаб ытганимиздек, бундай криптосистемалар =анчалик =улай ва криптобардошли былмасин, аутентификация масаласини тыла ечилишига жавоб бера олмайди. Шунинг учун аутентификация услуб ва воситалари криптографик алтритмлар билан биргаликда комплекс щолда =ылланилиши талаб этилади.

+уйида иккита (А) ва (Б) фойдаланувчиларнинг ало=а муносабатларида аутентификация системаси ра=иб томоннинг ыз ма=сади йылидаги =андай щатти-щаракатларидан ва криптосистема фойдаланувчиларининг фойдаланиш протоколини ызаро бузишларидан са=лаши кераклигини кырсатувчи щолатларни кыриб чи=амиз.

Рад этиш (ренегатство)

Фойдаланувчи (А) фойдаланувчи (Б) га ща=и=тан щам маълумот жынатган былиб, узатилган маълумотни рад этиш мумкин.
Бундай =оида бузилишини (тартибсизликни) олдини олиш ма=садида электрон (ра=амли) имзодан фойдаланилади.

Модификациялаш (ызгартириш)

Фойдаланувчи (Б) =абул =илиб олинган маълумотни ызгартириб, шу ызгартирилган маълумотни фойдаланувчи (А) юборди, деб таъкидлайди (даъво =илади).

Сощталаштириш

Фойдаланувчи (Б)нинг ызи маълумот тайёрлаб, бу сощта маълумотни фойдаланувчи (А) юборди деб даъво =илади.

Фаол модификациялаш (ызгартириш)

(А) ва (Б) фойдаланувиларнинг ызаро ало=а тармо\ига учинчи бир (В) фойдаланувчи но=онуний щолатда бо\ланиб, уларнинг ызаро узатаётган маълумотларини ызгартирган щолда деярли узлисиз узатиб туради.

Ни=облаш (имитациялаш)

Учинчи фойдаланувчи (В) фойдаланувчи (Б)га фойдаланувчи (А) томонидан маълумот жынатади.

Ю=орида санаб ытилган: модификациялаш, сощталаштириш, фаол модификациялаш, ни=облаш каби ало=а тизими =оидаларининг бузилишини олдини олиш ма=садида ра=амли сигнатурдан – ра=амли имзо ва узатиладиган маълумотни бирор =исмини тыла ыз ичига олувчи ра=амли шифрматндан иборат былган маълумотдан фойдаланилади.

Такрорлаш

Фойдаланувчи (В) фойдаланувчи (А) томонидан фойдаланувчи (Б)га жынатилган маълумотни такроран (Б)га жынатади. Бундай но=онуний хатти-щаракат ало=а усулидан банклар тармо=ларида электрон щисоб-китоб тизимидан фойдаланишда но=онунийлик билан ызгалар пулларини талон-тарож =илишда фойдаланилади. Ана шундай но=онуннй усуллардан мущофазаланиш учун:

-имитациялашга бардошлилик - имитабардошлилик;

-криптосистемага кираётган маълумотларни мущофаза ма=садларидан келиб чи=иб тартиблаш;

чора тадбирлари кырилади.

RSA алгоритми асосида электрон имзо

Кыплаб электрон (ра=амли) имзо алгоритмлари мавжуд былиб, =улай ва кенг тар=алган электрон имзо RSA алгоритмига асосланган. +уйида шу алгоритм асосида электрон имзо =андай яратилишини кыриб чи=амиз.

RSA алгоритмини асосини ташкил этувчи d, p, q- сонлари махфий былиб, бу сонлар билан бо\ли= былган ***e*** ва *n=p q* сонлари маълум былсин. Бу ерда:

1. $\varphi(n) = (p-1)(q-1)$ былиб, $\varphi(n)$ ва ***e*** сонларини билган щолда (25)

муносабатдан, яъни $de = \varphi(n)Q + 1$ тенгликдан бирор ***q*** сонида ***d*** сонини ани=лаб олиш мумкин.

2. ***e*** ва ***d*** сонларини билган щолда $\varphi(n)$ сонига каррали былган сонларни ва уларни =анчалигини топиш мумкин былиб, бундан ***n*** сонининг былувчиларни топиш мумкин.

Агарда фойдаланувчи (А) фойдаланувчи (В) га "САНА" сызини имзо сифатида узатмо=чи былса, ызининг d_A ва p_A - q_A =n_A махфий сонлар билан ани=ланувчи махфий калитли алгоритми ва (Б) нинг $e_Б$ ва $n_Б$ сонлари билан ани=ланувчи очи= калитдан фойдаланиб электрон (ра=амли) имзо =ыяди. Бу имзо =уйдаги кырынишдаги

$$\text{Tsp}\, Ee_{Б},\ n_{Б}\{Ed_{A},\ n_{A}\{CAHA\}\}$$

акслантиришлар (алгоритмлар) кетма - кетлиги билан аникланади.

Ыз навбатида бу имзони фойдаланувчи (Б) дастлаб ызининт махфий калитли $Ed_{Б},\ n_{Б}$ алгоритми билан

$$Ed_{Б},\ n_{Б}\{Ed_{A},\ n_{A}\{CAHA\}\} = Ed_{A},\ n_{A}\{CAHA\}$$

маълумотни щосил =илади. Сынгра (Б) фойдаланувчи (А)нинг очи= алгоритми $Ed_{A},\ n_{A}$ ор=али

$$Ee_{A},\ n_{A}\{Ed_{A},\ n_{A}\{CAHA\}\} = CAHA$$

маълумотни олади.

Бу келтирилган электрон имзо =оидаси (схемаси) ало=а тизимларида бир неча тур =оида бузилишларидан мущофаза =илинишни таъминлайди, яъни:

- махфий калит фа=ат фойдаланувчи (А)нинг ызигагина маълум былса, у щолда фойдаланувчи (Б) томонидан =абул =илиб олинган маълумотни фа=ат (А) томонидан жынатилганлигини рад этиб былмайди;

- =онунбузар (ра=иб томон) махфий калитни билмаган щолда модификациялаш, сощталаштириш, фаол модификациялаш, ни=облаш ва бош=а шу каби ало=а тизими =оидаларини бузилишига имконият ту\дирмайди;

-ало=а тизимидан фойдаланувчиларнинг ызаро бо\ли= щолда иш юритиши муносабатидаги кыплаб келишмовчиликларни бартараф этади ва бундай келишмовчиликлар келиб чи==анда воситачисиз ани=лик киритиш имконияти ту\илади.

Кып щолларда узатилаётган маълумотларни шифрлашга щожат былмай, уни электрон имзо билан тасди=лаш керак былади. Бундай щолатларда очи= матн жынатувчининг ёпи= калити билан шифрланиб, олинган шифрматн очии= матн билан бирга жынатилади. Маълумотни =абул =илиб олган томон жынатувчининг очи= калити ёрдамида шифрматнни дешифрлаб, очи= матн билан солиштириши мумкин.

1991 йилда А+Ш даги Стандартлар ва Технологиялар Миллий Институти DSA (Digital Signature Algarithm) ра=амли имзо алгоритмининг стандартини DSS (Digital Signature Standart) биз ю=орида келтирган Эль-Гамаля ва RSA алгоритмлари асосида яратиб, фойдаланувчиларга таклиф этган.

Калитлар билан бош=ариш

Ахборотлар тизимига мос келувчи криптографик системани яратиш билан бир =аторда шу системада калитлар билан бош=ариш масаласини оптимал (=улай ва ишончли) щал этиш мущим ырин тутади. Чунки танланган криптосистема =анчалик мураккаб ва ишончли былмасин, бари-бир ундан амалда фойдаланиш жараёнлари калитлар билан бо\ли=дир. Агарда маълумотларнинг махфий алмашинуви оз сондаги фойдаланувчилар доирасида былса, калитлар алмашинуви жараёнида но=улайликлар ту\илмайди. Аммо ахборотлар тизимида маълумотларнинг махфий алмашинуви юзлаб, минглаб ва хатто миллионлаб фойдаланувчилар доирасида былса (мисол учун модем ва ИНТЕРНЕТ ало=а тизимлари ор=али банк, савдо-соти=, давлат ащамиятига бо\ли= щамда бош=а мущим сощалардаги ало=а жараёни фойдаланувчилари доирасида) калитлар билан бош=аришнинг ызига хос алощида мущим масалалари келиб чи=ади.

